

Мұғаллым ҳәм үзлиksiz билимлендіриу́



ISSN 2181-7138

№ 3 2019 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
A. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Максет АЙЫМБЕТОВ
Нагмет АЙЫМБЕТОВ
Аманжол АЯПОВ
Өсөрбай ӘЛЕҮОВ
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Муратбай ЖУМАНОВ
Кеңесбай СЕЙДУЛЛАЕВ
Норбек ТАЙЛАКОВ

Шөлкемлестириўшилер:
*Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендіриў
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы*

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қаары менен
дизимге алынды

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм
хабар агентлиги тәрепинен 2007-
жылы 5-мартта дизимге алынды
№ОА-044-санлы гүйалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uznii@pnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uziksiz-bilim.uz**

*Журналга келген мақалаларға жуýап қайтарылмайды, журналда жәршиланған мақалалардан
алянған үзінділер «Мұғаллым ҳәм үзлиksiz билимлендіриу́» журналынан алынды, деп корсетилийи
шарт. Журналға 5-6 бет колеміндеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифт-
тіндеге электрон версиясы менен биргे қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген магтыұматтарға автор
жуýапкер.*

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

Бекбергенов Қ. А. Қаракалпак тилинде жуп көлбетликлердиң жасалыұры	4
Исройлова Р. Ұзлуксиз тәулимда она тилини лойихалаш мұаммоси	7
Бекмуратова Н. А. Об усвоении речевого материала в процессе обучения иностранныму языку	13
Nurmuratova N.Ya. Types and features of learning styles	14

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Содикова Ф. М. Ўқитишининг иоанъанавий таълим технологиялари	18
Муслимов Ш.Н. “Технология” фани ўқитувчиси фаолиятида қасбий-график компетентликка эгаликнинг ахамияти	22
Хайитов О.Э. Бошқарууда захира кадрларини танлаш: тажриба ва мұаммолар	27
Karimov A.A., Abduraximova F., Ashirbayev A.O. Grafik fanlarga tayyorgarligi past bo‘lgan talabalarning grafik kompetentligini shakllantirish muammolari	31
Ниёзметова Р.Х., Тажбенова С. С. Бошлангич синф ўқитувчининг компетентлигини ривожлантириши	36
Ниёзметова Р. Адабий таълимда ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш	38
Ибрагимова Г. Н. Развитие компетентности личности в учебном процессе	45
Очилов Ф. И. Компетенциявий ёндашувни бошлангич таълим жараёнига жорий килишнинг метод ва шакллари	48
Артикова М. Б. Оила ва мақтаб ҳамкорлиги асосида ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари	52
ZokirovaSh. Umumiy fortepiano sinfida zamondosh kompozitorlar asarlarining oqitilishi	60
Сарсенбаева Р.М. Мехнат таълими атамаларининг узвийлиги ва бошқа фанлари билан ўзаро алоқадорлиги	66
Рузметова Х.А. Эффективная организация духовно-нравственного воспитания подрастающего поколения	70
Исаилова М.Н. Инновационные технологии в образовании	72
Бердибаев М.С. О Реализации творческого потенциала будущего педагога	75

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Гулямова Н.М. Ўқувчи-ёшларга физика фанини ўқитишида замонавий технологиялардан фойдаланиш	78
Карлыбаева Г. Физикани ўқитиш мұаммолари	82
Jumaev M. Nomamfiy butun sonlar ustida arifmetik amallar bajarishda kompetensiyaviy yondashuv	85
Mirzayev A.O` Muhandislik institutlarida talabalarni olivy matematika fanini o`qitishda kasbiy kompetensiyalarini shakllantirishning maqsadlari va istiqbollari	92
Abduvaliyev N.A. Olyy matematika fanidan oraliq nazoratlarni tashkil etishda bo`lajak muhandislarning kreativ qobilyatlarini shakllantirish	95
Карлыбаева Г.Е. Физика ўқитувчининг методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари	97
Рахматова Ф. Математика фанини ўқитишининг дидактик таъминоти	100
Матжанов Н. Физика ўқитишининг қасбий йўналувчанлигини таъминлаш	104

ифодаси (мимика) ва пантомимика ёрдамида ифодалаш); ташкилотчилик (ўз ва ўкувчиларнинг бир-бирига ҳамкорлик ишларини тўғри ташкил килиш ҳамда ўкувчиларни жисплаштириш); авторитар (ўкувчиларга хиссий-иродавий таъсир ўтказиб, улар орасида обрў орттира билиш); коммуникатив (болалар билан педагогик мақсадга мос мулокотга киришиш, меъёрни унумаслик); педагогик мулохаза (ўкувчини таълимий ва тарбиявий шакллантириш борасидаги уринишлари натижасини башорат эта олиш); диккатни таҳсилмай олиш (бир вактнинг ўзида диккатни бир қанча фаолиятга карата олиш) кабилар.

Бу қобилияларни шакллантириш касбий билимларни ўрганиш, кўнимка ва малакаларни ривожлантириб бориши натижасида амалга ошади. Касбий малакага эга бўлмаган педагоглар, бошлангич синф ўқитувчилари ёш авлодга зарур ва етарли даражада таълим-тарбия бериш, уларда юксак мъянавий-ахлоқий хислатларни шакллантириш имконига эга бўлмайди.

Хуоса қилиб айтганда, бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий компетентлигини оширишда юкорида зикр этилган (омил)ларга устувор масала тарзида эътибор бериш талаб этилади.

Әдебиятлар:

- 1.Кибанов А.Я. Основы управления персоналом. М., 2003.
- 2.Охотникова В.В., Сургаева Н.Н. Вопросы коммуникативной компетентности при подготовке специалиста в вузе. СПб., 2002.
- 3.Хугорской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты: Доклад на отделении философии образования и теории педагогики РАО. 23 апреля 2002. Центр «Эйдос». [URL]: www.eidos.ru/news/compet.htm
- 4.Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата современного образования // Интернет-журнал «Эйдос». 2006. 5 мая. [URL]: <http://www.eidos.ru/journal/2006/0505.htm> (дата обращения 12.02.2019)

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада бошлангич синф ўқитувчисининг компетентлигини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Шу билан биргаликда компонентликнинг асосий тушунчаларига эътибор каратилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуется компетентность учителя начальных классов. А также уделяется внимание на основные понятия компетентности.

SUMMARY

This article explores the competence of a primary school teacher. And also attention will be paid to the basic concept of competence.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ниёзметова Р.

ТошҶЎТАУ, пед.ф.д., проф.

Таянч сўзлар: ўқитиши технологияси, адабий таълим, ҳамкорлик, синергетика, гоя, жараён, назарий ёндашув, илмий йўналиш, дарслик.

Ключевые слова: технология обучения, литературное образование, синергетика, синергетика, идеи, процесс, теоретический подход, научное направление, учебник.

Key words: teaching technology, literary education, synergistics, synergetics, ideas, process, theoretical approach, scientific direction, textbook.

Таълим амалиётида ўқитишининг турфа технологиялари мавжуд бўлиб шулардан бири ҳамкорликка асосланган таълим технологиясидир. Ўқитувчи билан таълим оловчи ҳамкорлигини ташкил этиш муаммоси барча даврларда ҳам ўта долзарб масалалардан бўлиб, мазкур ҳамкорликнинг назарий асослари педагогик синергетика доирасида тадқиқ этилган. Бу таълим берувчи учун ҳам, таълим оловчи учун ҳам ўз фаолиятини мустакил тарзда ташкил этишига оид назарий ёндашувлардан бири бўлиб, ўқитувчи-ўкувчи ҳамкорлигини тўғри ташкил этиши билан боғлиқ янги дунёқарашдир.

Синергетика (юнонча sunergeia – ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик) – тизимларнинг ўз-ўзини мустакил тарзда ташкил этиши назарияси, ўз-ўзини бошқариш, номунтазам ходисаларни ўрганиш, дунёвий ходисаларни янгича изоҳлаш, табий ва ижтимоий-иктисодий мураккаб тизимли жараёнларнинг табиатини билишга каратилган илмий ўйналиш, тафаккур усулидир.

Синергетика, яъни ҳамкорлик илмий ўйналиш сифатида XX асрнинг 60–70-йилларида шаклланган. XXI асрда пайдо бўлган педагогик синергетикани эса таълим-тарбия жараёнининг субъектлари – ўқитувчи ва ўкувчи ҳамкорлигини англатадиган назарий-амалий ёндашув сифатида талқин этиши ўринлидир.

Маълумки, XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларига келиб, таълим жараёни субъектлари фаолиятига нисбатан янгича ёндашувлар вужудга келди. Бу ёндашувларнинг ахамияти шундаки, шахслараро муносабатлар ўзаро ҳамкорлик жараёнида янги сифат кўрсаткичларига эта бўлади ва кутилган натижани беради. Педагогик ҳамкорлик таълим жараёни субъектлари фаолиятинда янгича сифат ўзгаришларининг шаклланиши ва намоён бўлишига кўмаклашади. Педагогик ҳамкорликнинг мухим жихати шундаки, у таълим жараёни субъектлари фаолиятини муайян тарзда ўйғунлаштиришга хизмат қиласди.

Педагогик ҳамкорлик жараён субъектлари учун ўзлигини намоён қилиш имкониятидирики, унда ўқитувчи билан ўкувчининг ўзаро ҳамкорлиги: ўкувчининг эркинлиги; ижодкорлиги; бу жараёнда тартибсизликнинг намоён бўлиши сингари жихатларни юзага келтиради.

Педагогик ҳамкорлик таълим субъектлари фаолиятининг тадрижий йўлини намоён қиласди. Педагогик ҳамкорлик жараёнида ўқитувчи билан ўкувчи фаолияти ўйғунлашиб, ижодий характер касб этади. У таълим жараёни субъектларидаги ҳар бир ўзига хос жихатни хисобга олишни такозо қиласди. Педагогик ҳамкорликнинг юзага келиши учун ўқитувчи ва ўкувчи педагогик жараённинг ўзаро алокадор субъектлари даражасига кўтарилишлари керак. Зоро, ўкув-билив жараённинг шахсга ўйналтирилганлиги марказида субъектлар орасидаги ҳамкорлик ётади. Ўкувтарбия жараёнидаги ҳамкорлик субъектларнинг биргаликда янги ахборотларни ўзлаштиришлари ва уларни ўз фаолиятларида ижодий кўллашларига кўмаклашади.

Педагогик ҳамкорлик, аввало, билимларни ўзлаштиришда жамоа бўлиб фаолият кўрсатишни назарда тутади ва унинг асосий максади – иштирокчиларнинг ҳистойғуга асосланган образли тафаккурини шакллантиришидир. Бу серкирра усульдан мураккаб дидактик-ижодий масалаларни ечиш, педагогик амалиётда эса ўкув-билив муаммоларини ҳал этиши йўли сифатида фойдаланилади. Бу усул ўкувчи томонидан ўзлаштирилиши мўлжалланган ўкув материалиига ижодий ёндашиш имкониятини кенгайтиради.

Педагогик ҳамкорлик жараёнида жамоа бўлиб ишлаш гурухда мавзу доирасида

янги муштарак ғоялар туғилишига замин хозирлайди. Табийки, педагогик ҳамкорлик технологияси таълим жараёнида самарадорлиги синаалган илгор методлардан фойдаланишни такозо этади. Таълим жараёнида улардан вакти ва ўрнида фойдаланилса, ўкувчининг изланувчанлик қобилияти мунтазам ривожланиб бораётганини пайкаш мумкин. Ҳамкорликда ишлаганда кўйилган муаммонинг ечимига йўналтирилган савол ва топшириклардан фойдаланиш ўкувчиларни янги фаразлар, хис-туйғуга асосланган хуласалар чиқаришга ундаиди ва бунга маълум миқдорда эришилади ҳам. Ўкувчилар ўз ижодий қобилиятларини намоён килишга одатланиб борадилар.

Таълимий ишларни ҳамкорликда ташкил этишда қуидаги асосий ҳолатлар мужассамлашади:

- 1) таълимий муаммонинг ўкувчи мухокамасига дастлабки кўринишида кўйилиши;
- 2) ўкувчидан таълимий муаммонинг таҳлили ва бунинг учун зарур билимлар ҳакида тасаввур уйғотиш;
- 3) таълимий муаммони ечиш имкониятларини аниклаш ва чегаралаш;
- 4) ўкувчи онгида унинг шахсий дунёкараши ва илмий-амалий тушунчаси доирасида муаммони қайта шакллантиришга эриши;
- 5) қайта шакллантирилган муаммо варианatlаридан қулайини танлай олишга эришиш;
- 6) ҳамкорлик учун асосий бўлган босқичлардан ўтиш;
- 7) кўйилган муаммо ечими талабларига асосланган ҳолда ёндашувлар ёки тайёр жавобларни баён қилиш .

Ҳамкорлик асосида ўрганишда эътибор субъект сифатида муайян ўкувчи эмас, балки ўкувчилар гурухига каратилади. Бу ўринда ўқитувчи билан ўкувчилар гурухи субъект-субъект муносабатларига киришадилар. Бундай жараённинг характерли жиҳати изланувчанлик фаолиятининг биргалиқда амалга оширилишидадир. Ҳиссий-образли мухокама ва танлов натижасида шахслараро мустахкам биргаликдаги харакат вужудга келади, ҳамкорликка оид ишлаб чиқилган қатъий талаблар уни ўкув жараёнида тўғри амалга оширилишига асос бўлади. Мазкур мураккаб ва серкира технологиядан кўзланган мақсад йўлида фойдаланиш ўқитувчидан юксак даражадаги билим, педагогик-психологик тайёргарлик, маҳорат ва фидоийликни талаб қиласди. Агар таълим берувчидан шу жиҳатларнинг бирортаси етишмаса ёки қайсиидир жиҳатида «кемтиқ»лик сезилса, мазкур жараён ўрганиш фаолиятига акс таъсир кўрсатиши ҳам ҳеч гап эмас.

Педагогик ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ҳар хил таълимий шароитларда турлича табиатга, дунёкарашга эга бўлган субъектлар имкониятларини рўёбга чиқара олишидадир. Ўкув-тарбия жараёнига педагогик ҳамкорлик ғоясининг татбиқ этилиши, анъанавий педагогик тафаккурда бир томонлама котиб колишига барҳам беради.

Ҳамкорликда ўқитиши ғояси Америкадаги Ж. Хопкинс университети профессори Р. Славин, Миннесот университети профессори Р. Жонсон, Д. Жонсон, Калифорния университети профессори Ш. Шаронлар томонидан ишлаб чиқилган . Ҳамкорликда ўқитиши ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган. У Америка кўшма штатлари, Буюк Британия, Канада, Германия, Австралия, Нидерландия, Япония, Ироил мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланилмоқда.

Ҳамкорликда ўқитишининг асосий ғояси ўкув топширикларини нафакат биргалиқда бажариш, балки ҳамкорликда ўқиш-ўрганишdir. Ҳамкорликда ўқитиши ҳар бир ўкувчини кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустакил фикр

юритишиңа ўргатиши, шахс сифатида онглилик, мустақиллікни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчидә шахсий қадр-қиммат түйгүсүни вужудға келтириш, ўз кучи ва қобилятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси ҳар бир ўқувчининг таълим олишдаги мувафаккяти гурух мувафаккятига олиб келишини англаган ҳолда мустақил ва сидқидилдан ажлий меҳнат килишга, ўқув топширикларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштиришга замин тайёрлади.

Шунни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчи ўқув-билув жараёнини ташкил этар экан, ҳар бир ўқувчининг бетакор эканлиги, унинг таълим-тарбияси оиласи мухитга, синфдаги мавқеига, устозларининг муносабатига, руҳий кечинмалари ва қайфиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлишини унугтаслиги лозим. Таълим муассасасидаги ҳар бир педагог ўқувчининг калбидан чуқур жой ола билиши, уларнинг хурмат-эҳтиромига эришиги, ўқувчининг энг яқин кишиларидан бирига айланиши, кувонч ва ташвишига шерик бўлиши, муаммоли вазиятларда тўғри йўл кўрсата олиши зарур. Шунда таълим-тарбия олдига кўйилган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик мухитини шакллантириш учун, аввало, қўйидагиларни амалга ошириш керак:

- ўқув жараёнидаги ижодкорлик мухитини вужудға келтириш;
- ўқувчилар фаолиятини муайян тартиб асосида ташкил этиш;
- ўқувчилар орасида ўзаро дўстона мухитни вужудға келтириш кабилар.

Ўзаро ҳамкорлик ва дўстона мухитни вужудға келтириш учун ўқув-тарбия жараёнининг очиқ характер касб этиши ва ўзаро ахборотлар алмашинуви учун қулай бўлишини таъминлаш мухимdir.

Адабий таълимда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишига қаратилган дарс намунаси сифатида ҳамкорларнинг ҳар иккаласига ҳам шоир сифатида суюмли бўлган М. Юсуфнинг шахсини кашф этиш машғулотини келтириш мумкин. Аёнки, инсон Муҳаммад Юсуфни ҳамкорларнинг ҳар иккаласи ҳам яхши билмайди. Бу дарс нафакат ўқувчи учун кизиқарли, балки ўқитувчининг ўзи учун ҳам маълум янгиликларни кашф этиш имконини беради. Уни билиш учун биргаликда шоир асарлари мояхитига кириш тақозо этилади.

Муҳаммад Юсуф ижодидан намуналар умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун яратилган “Адабиёт” дарслигида берилиган бўлиб, дастурда уларни ўрганиш учун икки соат белгиланган. Дарслидаги шоирнинг «Ватан», “Мехр колур”, “Юртим, адo бўлмас армонларинг бор” ва “Биз баҳтли бўламиз” шеърлари ўрин олган . Уларнинг дастурий талкини қўйидагича: “Мехр колур” шеърида дунёдаги барча нарсалар ўткинчи, факат инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, мухаббатинаабадий эканлигининг самимият ва маҳорат билан кўйланиши. Муҳаммад Юсуф шеърларининг жозибадорлиги, ўйноқилигини таъминлаб турган нозик лиризм, самимилик ва мусикийлик. “Юртим, адo бўлмас армонларинг бор” шеъри фидойи ва дардкаш фарзанднинг она юрт тарихига куюнчаклиги поэтик ифодаси эканлиги. Шеърда тилга олинган сиймоларнинг юртимиз тарихидаги ўрни”. “Биз баҳтли бўламиз” шеърида ошиқлик ва инсонга хос бўлган самимий туйгуларнинг тараннум этилиши. Туйгуларни ифодалашда шоир маҳорати. Инсонларга хос бўлган мухаббат Яратганинг буюк бир неъмати эканлиги ва унинг ҳар кимга ҳам тақдим этилавермаслиги. Шеърдаги баҳтли бўлиш ҳисси ва бунга бўлган ишонч талкини” .

Ҳар кандай адаб асарини ўрганишдан олдин ўқувчи унинг шахси ҳакида имкон

кадар мукаммал маълумотга эга бўлиши мақсадгага мувофиқдир. Шунда унинг ижодини тўлароқ англаш имконияти ортади. “Адабиёт” дарсликларида аввал адабининг таржимаи ҳоли билан боғлик маълумотлар тақдим этилиши ҳам шундан. 8-синф дарслигига М. Юсуф ҳақида берилган ҳасби ҳол ҳам унинг ҳаётий фаолиятини очиб беришга қаратилган. Лекин бу билан ўқувчи унинг шахси ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлолмайди. Дареда ўқитувчи томонидан шоир шахси билан боғлик бир катор кўшимча маълумотларнинг тақдим этилиши ўқувчига унинг асарларини тўлароқ англаш, чукурроқ таҳлил килиш имконини беради. Бундай кўшимча маълумотлар учун ўқитувчи «Кийик сўқмоқдаги йўловчи» китобига мурожаат килиши ҳам мумкин. Миллий тарбияшуносликда: “Миллатнинг улуғлари ўз шахси билан ўсиб келаётган авлод маънавияти шаклланиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади” деган қараш мавжуд. Ёш авлод улуғлар шахси кўмагида ўз-ўзинни тарбиялаши учун уларнинг шахсига хос сифатларни билиши, улардан таъсиirlаниши, хайратланиши ва баҳра олиши керак.

Улуғлардаги ўқувчини хайратга солган, уни таъсиirlантирган, ҳавасини уйғотган сифатлар унга аста-секинлик билан “юқа” бошлайди. Ҳайрат ва ҳавас таъсирида шоир ёки ёзувчи шахсидаги ўқувчи туйғуларини жунубушга келтирган фазилатлар хеч қандай ташки зўриқишиларсиз, панд-насиҳатларсиз ўқувчи шууридан, рухиятидан жой ола бошлайди. Адибларнинг бундай фазилатларини ўқувчиларга очиб бериш адабиёт ўқитувчининг вазифаси хисобланади.

Шоир Мұхаммад Юсуфнинг шахси ҳам, аввало, унинг асарларида ўз ифодасини топган. Ўқитувчи ҳар қандай муаллифнинг «мен»и билан боғлик сифатларни унинг ёзғанларидан топа билиши, адабий таълим учун мухим аҳамият касб этади. Ўз топилдикларини ўқувчилари билан бўлишмай, уларни ўқувчиларнинг ўзлари қашф этишларига имкон яратиши унинг ўқитувчилик маҳорати намунасиdir. Шу маънода, аввал шоирнинг шахси беркитилган асарларини ўқувчиларга тақсимлаб берилади:

*Осоийшита ўтмади бирор куним,
Талашиб, тортишиб толмадим.
“Оғирроқ бўл иним, сипороқ бўл иним...”
Мен ўз билганимдан қолмадим.*

*Қувроқ бўл дейшиди, ёлғон ҳам керак,
Жиндеқ хушиомад ҳам. Қулоқ солмадим.
Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора,
Мен ўз билганимдан қолмадим.*

*Кўнглим сезар, энди бу ёги аён,
Дўстларим... дўстларим, баҳтили боламан:
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суняниб ўлиб қоламан!
“Меҳрим қаттиқ бўлди...”*

Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигига асосланган бундай дарсларда кичик шериклар шоир шахсиятидаги фазилатларни тўлароқ ҳис қилишлари учун катта ёшли ҳамкор ўз қарашлари-ю хуласаларини ўқувчиларга ўқтириш йўлидан бормай, шоирнинг мисраларга тизилган ўзлигини куйидаги шаклда савол-топширикларга айлантирмоғи талаб этилади: «Биринчи тўртликка эътибор қаратинг: ундан шоирнинг шахсига хос қандай сифатларни илғаш мумкин? “Оғирроқ бўл иним, сипороқ бўл иним...”,

“Күврөк бўл, ёлғон ҳам керак. Жиндек хушомад ҳам” деган гаплар кимга тегиши деб ўйлайсиз? Сиз бу фикрга кўшиласизми ёки йўқми? Нега? Нима деб ўйлайсиз, шоир “...ўз билганидан қолма” ганида нималар назарда тутилган? У тўгри килганми, йўқми? Сизнинг назарингизда, унинг ўзи билганлари нималардан иборат бўлиши мумкин? Шеърдаги «Оқни оппок кўрдим, корани кора» сатрларини қандай тушиниш мумкин? Бу, сизнингча фазилатми ёки иллатми? “Кўнглим сезар, энди бу ёги аён”ни сиз қандай англадингиз? Шу мисралар замираша шоир шахсига хос бўлган қандай сифатларни илгадингиз? Ўзингизни у билан таққосланг. Айтинг-чи, Мухаммад Юсуф ўзи айтмоқчи: “Тошкентда энг зўр шоир” бўлодими, йўқми? Буни сиз нималарда кўрасиз?» ва хоказо. Бу савол-топшириклар билан ишлаш жараёнида ўқитувчининг роли факат ўйналтириб туришдан иборат бўлади. Ҳакикатларни болаларнинг ўзлари кашиф этадилар. Шеърдаги муаллиф шахсини очиб берувчи жиҳатлар умумлаштирилиб алоҳида саналади ва ҳам хат таҳтага, ҳам дафтарга ёзиб олинади.

Сўнгра қўйидаги иккни мисрага ўтилади:
Шамолдек ел, сувдек тош,
Хеч кимсага бўжма бош...
“Ўғил бўлсанг...”

Ўғил болага шундай талаб кўя билишга руҳан ўғил бола бўлган одамгина кодир. Чин шоир илоҳий ҳолатга тушганда, факат кўнглидаги рост туйгулар коғозга тўкилади. Ўқитувчи аниқлашга уриниб кўрсин-чи, шериклари – ўғил болалар бу талабга қанчалик жавоб бериша оларкин? Уларнинг кўлларидан «шамолдек елиб, сувдек тошиб» яшаш келармикин? Улар бошқаларга бош эгмай яшашининг нима эканлигини билишармикин? Ўзлари бунга қодирмикин? Бу сифатларнинг муаллифга қанчалик дахлдор эканлиги ҳакида ўйлаб кўришсин.

Кўйидаги сатрларда муаллиф ички “Мен”ининг дардлари ифодаланган:

Түғидингеми демак ён,
Шоҳ қўлида занглаған
Қилич бўлма ҳеч қачон.
Ундан кўра битта мард
Кўл қўлида ханжар бўл!..

Ўғил бўлсанг ўжар бўл,
Қолган бари сағсата.
Эркинг учун, эл учун
Номусингга наవкар бўл.
“Ўғил бўлсанг...”

Бу мисралар – шоир ўзлигининг ифодаси. Ҳамкорлар бу ҳакда ҳам биргалashiб ўйлаб кўрсинлар. Бундай гапларни одам шунчаки айтиши мумкин эмас. Табиатан шундай характерга эга бўлган одамгина бу каби сифатларни илғайди, уларга ном топади ва сўз билан ифодалай билади. Ўқитувчи шерикларини ўйлашга ўйналтиаркан уларга қатор савол-топшириклар билан мурожаат килади. Айни замонда, бу савол-топшириклар ҳакида ўзи ҳам ўйлаши, уларга ўзининг ҳам жавоби бўлиши шарт: “Ўғил бола”нинг сизга кўяётган талабига қандай карайсиз? Талаб сизга маъқулми, йўқми? Нега? «Ўжар»лик, сизнингча фазилатми ёки иллатми? Фикрингизни асосланг. Шоирнинг «Номусингга наవкар бўл» деган талабини қандай тушундингиз?» Бу сатрлар замираidan ҳам шоирга хос бўлган сифатлар ажратиб олинниб ёзиб қўйилади.

Шоир бир шеърида ёзди: “Мен ёруг дунёда кўнглим қулиман...” «Хўш, ўкувчилар буни қандай тушунишади? Инсон аклининг, манфаатларнинг етовида

юргани маъкулми ёки кўнгилнинг бошқарувига бўйсунгани тузукми? Қай ҳолатда яшаш маъкул бўлади? Нега? Кўнглига қул бўлган шоир уларга ёқяптимикин ёки йўқ? Сабаби нимада?» шулар устида биргаликда фикрлашган ҳамкорлар айни замонда ўзларини ҳам тафтиш қилиб борадилар. Бу нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчининг ўзини ҳам жиддий ўйга толдириши анни.

*Бўлди. Шеър ёзмайман. Мен энди одам
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.
Кўнглимга ачиниб агар ёёсам ҳам,
Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман!
“Икрор”*

Юкоридаги мисраларни ўқувчилар шарҳлашга уриниб кўришсин. «М. Юсуф факат шеър ёзгани учун оддий одамлардан фарқ қиласими ёки бунинг бошка асоси борми? Шеър ёзадиган ҳамма одамлар “мураккаб”ми? «Кўнгилга ачиниб ёз»ишини қандай тушунасиз? Бу тушунчанинг мохиятида қандай фикр мавжуд, сизнингча?» ва ҳ.к.

Ўқувчилар ўзларининг Мухаммад Юсуф шахси ҳақида чиқарган холосалари, карашларини миллатнинг бошка улуғлари фикрлари билан солишириб кўришлари учун уларга қуидагиларни ўқиб бериши мумкин:

“Мухаммаджоннинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзилганга ўхшайди. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи! Кўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзилдиганга ўхшаб кўринган мисралари муҳлисларини йиглатади, кулдиради, ўз оғушига торгади. Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан кидириб юрадиган бўлдилар. ...Мухаммаджон камдан-кам туғиладиган истебод эгаси бўлиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эгаси – шуҳратдан қочадиган камсукум инсон эди. У шуҳратни эмас, шуҳрат унинг ортидан кувиб юради...”

Озод Шарафиддинов,
Ўзбекистон қаҳрамони.

“...Инсон умрининг охиригача илм ўрганади. Аммо шеър ёзиш илми шундай илмки, уни ўрганиб бўлмайди. У туғма бўлиши керак. Мухаммаджон туғма истебод соҳиби эди... У жуда тез оғизга тушди. Унинг танқидий йўналишдаги луқмалари, кичик-кичик катралари, бир катор мақолалари Максад Яхшиев номи билан газеталар сахифаларида тез-тез кўзга ташланадиган бўлди. Сал кейинроқ Мухаммад Юсуф номи билан элга танилди. У омадли йигит эди... Мухаммаджон устозлари, яқинлари, фарзандлари хотирасида яхши ишлари, хокисорлиги, меҳрлилиги билан муҳрланиб колса, муҳлислари тасаввурда йиглатадиган, ўйлатадиган, эзгуликка етаклайдиган шеъру қўшиклари билан яшаб қолади”.

Эркин Воҳидов,
Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири.

“Чинакам шоирнинг қалбида соҳир күш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бор эшигандик. Ўша күш айнан Мухаммаджоннинг кўнглида ошиён қурганига мен астойдил ишонаман. Унинг чехраси ҳам, кўзлари ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш килгандай эди... Биринчи навбатда Мухаммаджон яхши инсон эди. Яхши инсонларга бошқалар ҳамиша талпинадилар... У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югурниб юришдан ор киларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир...”

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири.

Шериклар шоирнинг шеъриятидан топган унинг шахси билан боғлиқ ҳақиқатларини миллатнинг улуғлари айтганлари билан солишириб кўришсин. Албатта биргаликда. Кейин қандай сифатлар шоир шахсида устувор эканини ажратиб чиқсингилар ва шу фазилатларнинг қайси бири ўзларидаги мавжуд экани ҳақида ўйлаб кўрсингилар. Бу масалада болаларнинг жавоб айтишлари шарт эмас. Ўйлаб кўришларининг ўзи кифоя. Жавобни ўзлари учун билиб кўйганлари бас. Агар ўзаро ўхшашлига топа олсалар, бундан фаҳрлансалар арзидай. Шу тариқа шоирнинг шахсияти билан таниширилгач, кейинги соатларда унинг дарслиқда тақдим этилган асарлари устида ишлашга ўтиш мумкин бўлади. Шунда шоир М. Юсуф шеърияти устида ишлаш болаларнинг маънавий камолотида максимал даражада самара бериши аниқ.

Адабиётлар:

1. Кларин М.В. «Педагогическая технология в учебном процессе»-М., Знание, 1989 г.
 2. Назарова Т.С. «Педагогическое технологии: новый этап эволюции»-Педагогика, 1997 г. № 3.
 3. Педагогическая технология: Программа учебного курса (под ред. Сластенина)»-М., 1996 г.
 4. Пидкасистый П.И. , Хайдаров Ж.С. «Технология игры в обучении и развитии» -М., 1996 г.
 5. Питюков В.Ю. «Основы педагогической технологии: Программа экспериментального учебного курса»-Н.Новгород, 1992 г.
 6. Питюков В.Ю. «Что такое педагогическая технология, Воспитание школьников»-М., 1995 г., №1 стр. 8-10.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада адабий таълимда ҳамкорликда ўқитиши технологиясидан фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган.

PE3HOME

В данной статье анализируется использование технологии совместного преподавания в литературном образовании.

SUMMARY

This article analyzes the use of co-teaching technology in literary education.

РАЗВИТИЕ КОМПЕТЕНТНОСТИ ЛИЧНОСТИ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ

Ибрагимова Г. Н.

*ассистент, Ташкентский институт инженеров ирригации
и механизации сельского хозяйства*

Ключевые слова: профессиональная компетентность, мотивированность обучения, креативность, принципы позитивной психологии.

Key words: professional competence, motivation of training, creativity, principles of positive psychology.

Для психолого-педагогической теории и практики всегда был актуален поиск повышающих факторов. Их можно назвать позитивной психологией.

шения эффективности процесса обучения. Новые открытия и технологии требуют нового уровня адаптации личности, проявления ее творческих способностей во всех сферах жизни. Изменчивость современного мира заставляет нас быть активными, креативными, позитивными, готовыми к восприятию и освоению нового, т.е. готовности к непрерывному обучению в течение всей жизни, развитию компетентности. Основной